

## **Ўқувчилар нутқини ўстиришда ҳамкорликдаги фаолиятнинг аҳамияти**

Ш.Хўжамбердиева,

Наманган ДУ

Нутқ ўстириш – бошланғич таълимнинг ўзак масалаларидан ҳисобланади. Ўқувчилар нутқи оилада, мактабда, жамоада ўзаро фикр алмашиш, суҳбат, диалог, муайян мавзуда баҳс-мунозара, савол-жавоб шаклларида намоён бўлади. Нутқ оғзаки ва ёзма шаклларда ифода этилади. Ўқувчи тафаккури, идроки, тасаввури, ҳис-кечинмалари фикрни кўзғаса, нутқ айна ўй-фикрларни ифода қилиш воситасига айланади. Бунда ўқувчининг ўз қарашларини баён тарзида ифода этиши кузатилса, ёзма нутқда ушбу баённинг грамматик, пунктуацион, стилистик жиҳатлардан равон, мазмунли, изчил ва тўғри ифода этилиши назарда тутилади. Ўқувчида фикр уйғотиш, унга ақлий-ҳиссий таъсир кўрсатиш натижасида юзага келган фикрлар тафаккурда муайян шаклга эга ҳолда нутққа кўчади. Шу боис фикрнинг ўқувчи руҳияти билан боғлиқ шаклга айланиш жараёни масаланинг психологик жиҳатлари ҳисобланади. Тез таъсирланувчан болаларда ҳис-кечинмалар ва фикр ҳам тез уйғонади, аммо бундай ҳолатда улар фикрнинг ифода шаклини зудлик билан топишга қийналадилар. Натижада ўз фикрларини пала-партиш, тартибсиз, шошилиб ифода қиладилар, нутқда қатор хатоликларга йўл қўядилар.

Баҳс-мунозаралардан четда турувчи, таллашиб-тортишишни хушламайдиган, очиқ мулоқотга киришишдан кўра давранинг «у томонида» туришни маъқул кўрувчи, «четдан кузатувчи» болаларнинг таъсирланиши суст кечса-да, у ўртоқларининг фикрларини тинглаб, ўз қарашларига солиштириб кўргач, муносабат билдиришади. Бундай тоифага кирувчи ўқувчилар ўз фикрини айтишга шошилишмайди, ҳис-ҳаяжонларини ҳам яққол сездирмайди. Бошқа гуруҳга мансуб ўқувчилар бошланғич синфларда кам учрайди: улар ўқитувчи берган саволга ўйлаб, шошилмасдан жавоб берадилар; ўз фикрларини оғзаки ва ёзма нутқда равон, мазмунли, мантиқли ва таъсирчан ифодалашга интиладилар.

Бундай ўқувчилар китоб ўқишни яхши кўрадилар, айниқса, бадиий асарларни севиб мутолаа қиладилар. Уларнинг боғланишли нутқи китобхонлиги сабабли анча ривожланган, фикрлаш салоҳияти юқори, баён тарзи изчил, оғзаки ва ёзма нутқи стандарт талабларга жавоб беради.

Англашиладики, бир синфдаги 20-30 ўқувчи хилма-хил характер, идрок, руҳият ва тафаккур эгаларидир. Уларнинг оғзаки ва ёзма нутқ даражаси ҳам турли ривожланиш кўрсаткичларига эга. Айти ҳолатни ҳисобга олиб, ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг нутқ даражаси кўрсаткичларини белгилаб олиши лозим. Ҳар ой охирида ўқувчи нутқининг ўсиш даражалари белгилаб борилади. Етарли бўлмаган кўрсаткичлар бўйича ўқувчи билан алоҳида иш олиб борилади. Бу кўрсаткичларни қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Кичик ҳажмдаги матнни ўқиш тезлиги.
2. Матн бўйича саволларга қайтарган тўғри жавоблар сони.
3. Ўқувчининг боғланишли нутқи (оғзаки ва ёзма шакллардаги назорат натижаси).
4. Ёзма нутқ бўйича берилган ўқув топшириқлари ва назорат ишлари натижалари бўйича тўплаган баллари.
5. Ўқувчининг муайян матн мазмунини қайта ҳикоялаш ва баён қилиш даражаси.
6. Китобхонлик даражаси (мустақил ўқилган бадиий асарлар сони; асар ҳақида ўз мустақил фикрини баён қила олиши; асар воқеалари билан қаҳрамонларга муносабат билдира олиш даражаси).

Белгиланган даражалардан қайси бирига ўқувчи имкониятлари ё фаолияти жавоб бермаса, ўқувчи ёрдамчи топшириқлар воситасида бу кўрсаткични кўтаришда ҳамкорликда иш олиб бориши лозим. Шундагина таълим самарадорлиги таъминланишига эришилади.

Ҳамкорликдаги педагогик фаолият моҳиятини таълим мақсадларига эришишдаги ўқитувчи-ўқувчи муносабатлари ташкил қилади. Бу фаолиятни ҳамкорликдаги ижодий фаолиятга айлантириш кўзда тутилади. Ўқувчи билимларни ўзи интилиб, изланиб эҳтиёжи ва истагига кўра ўзлаштиришга

киришар экан, унинг ҳамкори – ўқитувчи бў фаолиятнинг самарали кечишига таъсир кўрсатиб боради; ўқувчи ўқиб ўрганиши, ўзлатириши зарур бўлган билим ва тушунчалар, шакллантириш кўзда тутилган кўникма ва малакалар таркиб топишга кўмаклашади. Аммо бу ҳамкорлик анъанавий таълимдаги каби тайёр билимларни тушунтириш йўли билан ўқувчига етказишни эмас, Янги билимлар ўзлаштирилиши ўқувчининг фаоллиги асосига, унинг шу билимларни ўз фаолияти жараёнида қўллашгани тақозо этади. Ҳамкорликдаги фаолият ўқувчини фаолиятсизликдан таълим ва тарбия жараёнининг иштирокчисига, фаол фикрловчи, амалий иш олиб борувчи ўқитувчининг ҳамкорига айлантиради.

Масалан, 2-синфда халқ шоири Эркин Воҳидовнинг «Олма», «Гилос» шеърлари ўқиб ўрганилар экан, бу шеърларнинг болалар фантазиясига, 7-8 ёшли ўқувчилар руҳиятига таъсир кўрсатиш хусусияти эътиборга олинishi керак. Шеър содда бадий тилда битилган образлилик ва жонлантириш, ўхшатиш, сифатлаш каби тасвирий воситалар қўлланганлиги сабабли олма ва гилос кичик китобхон билан гўё сўзлашади, хомлигида узмасликка, Нортожигга ўхшаб сўнг: «Вой, қорним деб қолмангиз!» - дея ноҳуш ҳолатга тушиб қолмасликка чақиради. Гилос ҳам ўз сифатларини бирма-бир «Сўзлар» экан, болаларни у каби тотли, мазаси бол бўлишига чорлайди гўё. «Топсанг қўшалоғимни қулоғингга тақиб ол» мисраси эса айнан болаларга хос одатни, шўххандонлик кайфиятини, болаларча завқ-шавқни ифода қилади.

Хўш, нима учун Сиз қўшалок гилосни қулогингизга тақиб олгингиз келади? Гилоснинг даъвати қандай маънони англатади? Гилоснинг сифатларига ўзингиздаги қайси одатлар ёки хусусиятларни қиёслаш оласиз? Олма ва гилос образли қандай рамзий маъноларни ифода этишини шу усулда ўқувчиларнинг ўзлари ёритиб берадилар.